

**GENDER AND AGE DIFFERENCES IN PERCEPTIONS OF THE
PHENOMENON OF JEALOUSY**

Zairava Zarina Zarifdjanavna

Project member of the research institute " neighborhood and family"

Annotation

This article is devoted to scientific and socio-psychological solutions to the problem of jealousy. The results of scientific research on gender and age differences in the perception of jealousy are given. Statistics on socio-psychological problems of jealousy using methods that are reliably calculated in psychology are shown.

Keywords: jealousy, psychology, statistics, love and analysis.

Маълумки, инсонлар орасида муносабатлар эмоционал фонга эга. Эмоционал муносабатлар орасида рашк ҳисси ўзининг таъсири сезиларли ва мудхиши оқибатларга олиб келиши билан ажралиб туради. Аксарият холда рашкнинг ҳар бир инсонга бўладиган таъсирини билмаган холда одамлар ўзаро муносабатларда шу ҳисни ўзларига модел сифатида танлашгина ҳаракат қиласидилар. Жумладан, тадқиқот ишимизда рашк тушунчасининг шахслараро муносабатларида пайдо бўлишида гендер ва ёш тафовутларини илмий ишимизни бош мезони қилиб олдик.

Тадқиқотда дастлаб рашк ҳиссининг шахс тасаввурнида қандай идрок этилишининг ҳолатини билиш мақсадида “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтида ушбу масала бўйича илмий тадқиқот олиб борилди. Натижада рашкни ўрганиш саволномасини тузилди. Саволномага рашк деганда нимани тушуниш, рашк турлари, рашкнинг кимга нисбатан ҳис этилиши, рашк туфайли оила муҳитида жанжаллар ва низоларни юзага келиши даражаси, қайси тоифа оилаларда рашк ҳиссининг кўпроқ намоён бўлиши, рашкнинг юзага келишига сабабчи бўлган оила аъзосини белгилаш, рашкнинг ижобий ва салбий томонларини аниқлаш, рашкка дуч келганда амал қилиш керак бўлган таклиф ва тавсияларни белгилаб бериш каби энг муҳим саволлар жамланмасидан иборат бўлди. Мазкур саволга киритилган бу масалаларнинг аниқланиши орқали рашкнинг ёш ва гендер тафовутларини намоён бўлишини аниқлаш имконияти юзага келади. Рашкнинг ёш ва гендер тафовутларини намоён бўлишини аниқлаш 345 нафар респондентлар жалб этилди. Уларнинг 201 нафари – эркаклар ва 144 нафари хотин-қизлардан иборат бўлди.

1-жадвал.

**Респондентларнинг «Рашк деганда нимани тушунасиз?»саволи бўйича натижалари
(% да)**

Респондентлар 20-30 ёшлилар	«Рашк деганда нимани тушунасиз?» саволи бўйича натижалари		
	Қизғаниш	Ҳимоя қилиш	Йўқотишдан қўрқиши
Эркак-йигитлар	71,4	17,9	10,7
Хотин-қизлар	78,0	9,8	12,2
Жами	74,2	14,4	11,4

Инглиз психологи К.Изардинг ёзишича, рашк қўрқув ва ғазаб каби асосий ҳиссиётларни уйғотади [1]. «Рашк қўрқув ва нафрат каби фундаментал ҳиссиётларни юзага келтиради», «Севги объектини йўқотишдан қўрқиши» рашкнинг асосий белгиси сифатида олим томонидан талқин этилган.

Респондентларга тақдим этилган саволномада қўйилган «Рашк деганда нимани тушунасиз?» саволи бўйича натижаларни таҳлил қиласак, очиқ саволномада қўйилган саволга «қизғаниш» жавоб вариантини 78,0 % хотин-қизлар ва 71,4 % эркак-йигитлар беришган. 3.1.1-жадвалда қўйилган саволнинг бошқа жавоб вариантларини ҳам кузатсак, эркак-йигитларнинг 17,9 % учун рашк қилиш – «Ҳимоя қилиш» сифатида изоҳланиши; хотин-қизларнинг эса 9,8 % учун шундай фикрни билдириш хос эканлиги кўринди. Эътиборли жиҳати шундаки, рашк тушунчасида «йўқотишдан қўрқиши» фикрини тасаввур этиш эркак-йигитларнинг 10,7 % и ва хотин-қизларнинг 12,2 % и томонидан қайд этилган. Бизнинг назаримизда, бундай ёндашув ўз навбатида гендер фарқларни кўрсатди.

Демак, «Рашк деганда нимани тушунасиз?» саволини изоҳлашда респондентларнинг билдириган фикрларини умумлаштирган холда таҳлил этсак, жинсидан қатъий назар рашкни: 74,2 % лар - «Қизғаниш»; 14,4 % лар – «Ҳимоя қилиш» ва 11,4% лар - «Йўқотишдан қўрқиши» деб тасаввур этадилар. Бу жавоблар қайсиdir жиҳатидан рашк масаласида жинсий тафовутларни намоён этди.

Респондентларнинг «Рашкнинг қандай турлари бор, деб ўйлайсиз?»

саволи бўйича натижалари (% да)

Респондентлар 20-30 ёшлилар	«Рашкнинг қандай турлари бор, деб ўйлайсиз» саволи бўйича натижалари		
	Ижобий, салбий	Турлари кўп	Билмадим
Эркак-йигитлар	46,4	42,9	10,7
Хотин-қизлар	41,5	39,0	19,5
Жами	44,3	41,3	14,4

Мазкур 2-жадвалда эркак-йигитларнинг «Рашкнинг қандай турлари бор, деб ўйлайсиз?» саволини изоҳлашдаги жавобларидан кўринадики, рашк ҳиссини бир вақтнинг ўзида ижобий ва салбий, яъни амбивалент тарзда идрок қилишни кузатамиз, буни 46,4 % эркак-йигитлар томонидан белгиланганлиги фикримизни тасдиқлайди. Анкетанинг очиқ фикрингизни билдиринг, деб ажратилган қисмида рашк ҳиссининг оилавий муносабатларда эр-хотин муносабатларидан ташқари, ота-она ва фарзандлар, ака-укалар, опа-сингиллар, қариндошлар, уларни оила қургунгача ва оила қурганларидан кейинги ҳаётидаги рашк ҳисси; ўқиш фаолияти, меҳнат фаолияти, нарса, буюмларга нисбатан рашк каби турлари қайд этилган. Шунинг учун респондентларнинг 42,9 % лари томонидан «турлари кўп» жавоби асосли танланганлигини кўрдик. Хотин-қизларнинг «Рашкнинг қандай турлари бор, деб ўйлайсиз?» саволига жавоблари натижалари тасвирланган бўлиб, бу натижалардан кўринадики, эркак-йигитлар жавобларига нисбатан тафовутлар мавжуд. Жумладан, рашк ҳиссининг «ижобий-салбий» турининг мавжудлигини 41,5 % хотин-қизлар қайд этишган. Деярли катта бўлмаган фарқ билан эса - 39,0 фоизлари – рашкнинг «турлари кўп» деб ўз муносабатларини билдиришган. Лекин эркак-йигитларга нисбатан хотин-қизларнинг 19,5 % да – деярли 2 баравар кўп «билмадим» муносабатини кўрдик.

Демак, «Рашкнинг қандай турлари бор, деб ўйлайсиз?» саволини изоҳлашда респондентларнинг билдириган фикрларини умумлаштирган холда таҳлил этсак, респондентларнинг 44,3 фоизи рашкнинг ижобий ва салбий турлари борлигини, 41,3 % лари фикрича рашкнинг «Турлари кўп» эканлигини; 14,4 % лари – «Билмадим» жавобларини қайд этишган. Бу натижалар ўз навбатида респондентларнинг қайсиdir жиҳатдан рашк турлари масаласида фикр ва муносабатларини чекланган эканлигини ҳам намоён этди.

3-жадвал.

Респондентларнинг «Рашкни кимга нисбатан ҳис этасиз?»

саволи бўйича натижалари (% да)

Респондентлар 20-30 ёшлилар	«Рашкни кимга нисбатан ҳис этасиз?» саволи бўйича натижалари		
	Барча яқинларимга	Турмуш ўртоғимга	Онамга, синглимга
Эркак-йигитлар	36,7	42,9	21,4
Хотин-қизлар	39,0	48,8	12,2
Жами	37,1	45,4	17,5

Маълумки, рашк ҳисси инсон фаолияти, оилавий ҳаёти, касб соҳаси ва умуман шахснинг турли муносабатларида намоён бўлиши исботланган. Бу саволга респондентларнинг берган жавобини таҳлил этиш орқали оилавий муносабатларда қайси тоифа ўзаро таъсирни барқарорлаштиришга эътибор бериш лозим бўлиши масаласини стратегик жиҳатдан шакллантиридик.

«Рашкни кимга нисбатан ҳис этасиз?» саволининг эркак-йигитлар томонидан белгиланганлиги акс эттирилган бўлиб, респондент эркак-йигитларнинг аксарият қисми - 42,9 % и «турмуш ўртоғимга» жавобини белгилашган. Бу маълум даражада эркакларнинг психологик табиати билан ҳам белгиланади. Сабаби шуки, эркак киши кўпинча ўзини оиланинг асосий фигураси – устуни сифатида ҳис этади. Унда шу уйга эгалик ҳисси, турмуш ўртоғига нисбатан масъуллигини ўз муносабатини рашк ҳисси орқали намойиш этади. Бундай муносабатни нафақат турмуш ўртоғи, балки барча яқин кишиларига, онаси, синглисига ҳам унинг жавобгарликни зиммасига олиши билан изоҳланади. Эркак-йигитларнинг 36,7 % и «Барча яқинларимга» жавобини ҳамда уларнинг 21,4 % и «Онамга, синглимга» танлагани, шундай фикр билан тасдиқланса ажаб эмас, бу шунингдек, эркак психологиясида оила аъзолари, яқинлари учун дахлдорликни ҳам намоён этади. Хотин-қизларнинг «Рашкни кимга нисбатан ҳис этасиз?» саволи юзасидан жавоби натижалари келтирилган бўлиб, уларда турмуш ўртоғига нисбатан рашк ҳиссининг юкори ифодаланиши бизнинг назаримизда, бир қатор омиллар билан изоҳланади: ёш оила вакилларининг муносабатларининг дастлабки йилларида аёлнинг фарзанд кўриши, уй шароити билан боғлиқ вазиятларда умр кечириши, бошқача айтганда: уйига боғланиб қолиши («михланиб қолиши») турмуш ўртоғига нисбатан иккиланиш, шубҳаларни юзага келтиради. Шу боис бошқа жавоб вариантларини ичida «турмуш ўртоғимга» жавоби юкори даражада белгиланганлигини ҳам намоён этади. Шу билан бирга «Онамга, синглимга» нисбатан рашк ҳиссини паст даражада ифодаланиши гендер фарқларини янада тасдиқлайди.

Демак, «Рашкни кимга нисбатан ҳис этасиз?» саволини изоҳлашда респондентларнинг билдирган фикрларини умумлаштирган холда таҳлил этсак,

респондентларнинг аксарият қисми - 44,3 фоизи »турмуш ўртоғимга« жавобини белгилаган, турмуш ўртоғига нисбатан рашкни намоён бўлиши иккала жинс вакиллари учун аҳамиятли эканлигини қузатамиз. Эркакларнинг жавобларидағи аҳамиятли томони сифатида «Онамга, синглимга» жавобини таҳлил қиласак, Бу натижалар ўз навбатида респондентларнинг қайсиdir жиҳатдан рашк турлари масаласида фикр ва муносабатларини чекланган эканлигини ҳам намоён этди. Бу борада оила масканида бирга яшайдиганларда рашкнинг салбий ва ижобий томонлари, унинг турлари, ҳар бир турининг моҳияти, оиласа таъсирини тушунтириб бориш зарурати кўринади.

Оила муносабатларида рашк туфайли низолар юзага келиши, оқибатида ажрашиш, суицид, ҳатто қотилликлар каби салбий ҳолатлар бўлиши қўп бора исботланган [2]. Шунинг учун биз саволномада бу масалага нисбатан гендер фарқларини аниқлаб олишни назарда тутиб, респондентларга «Рашк туфайли оилада жанжаллар, низолар юзага келадими?» саволи билан мурожаат қилдик. Қўйилган саволга иккита жавоб берилганлиги маълум бўлди: «Ҳа» ва «Баъзан». Мазкур савол бўйича танланган жавобларнинг ҳолати 4-жадвалда ҳамда 1-расмда келтирилган.

4-жадвал.

Респондентларнинг «Рашк туфайли оилада жанжаллар, низолар юзага келадими?» саволи бўйича натижалари (%) да)

Респондентлар 20-30 ёшлилар	«Рашк туфайли оилада жанжаллар, низолар юзага келадими?» саволи бўйича натижалар	
	Ҳа	Баъзан
Эркак-йигитлар	66,1	33,9
Хотин-қизлар	78,0	22,0
Жами	71,1	28,9

Олинган натижалар таҳлилидан кўринадики, рашк туфайли оилада жанжаллар, низолар юзага келиши муқаррар эканлигини респондентларнинг аксарият қисми «ҳа» жавоби орқали тасдиқлашган. Жумладан, респондент эркак-йигитларнинг 66,1 % и ва респондент хотин-қизларнинг 78,0 % и айнан шу вазиятни тўғри деб белгилашган. Демак, бундан кўринадики, рашк оилалар тинчлиги, мустаҳкамлигига рапхна солувчи жанжаллар, низоларни юзага келишинида энг биринчи ва муҳим сабаб бўлади.



1-расм. Респондентларнинг «Рашк туфайли оилада жанжаллар, низолар юзага келадими?» саволи бўйича натижалари, % да

Демак, «Рашк туфайли оилада жанжаллар, низолар юзага келадими?» саволига респондентларнинг билдирган фикрларини умумлаштирган вариантида ҳам юқорида келтирилган танлов: рашкнинг оилада жанжаллар, низолар юзага келиши абсолют равишда энг таъсирли ҳодиса, психологик феномен эканлигига янада ишонч ҳосил қиласиз. Шундай экан, жаҳон бадиий адабиётининг ёрқин вакили Вильям Шекспир айтганидек, «рашк - яшил кўзли йиртқич ҳайвон» деб атаган муаммони оилалилар ва оила қурадиганларга рашкнинг қанчалик хавфли эканлигини тушуниришимиз зарур эканлиги кўринади

5-жадвал.

Респондентларнинг «Сизнингча рашк ҳисси кўпроқ қандай оилаларда намоён бўлади?» саволи бўйича натижалари (%) да)

Респондентлар	«Сизнингча рашк ҳисси кўпроқ қандай оилаларда намоён бўлади?» саволи натижалари			
	Нуклеар (кичик) оилалар	Кўп поғонали (катта) оилалар	Бефарзанд оилалар	Серфарзанд оилалар
Эркак-йигитлар	62,5	17,9	14,3	5,4
Хотин-қизлар	43,9	22,0	34,1	-
Жами	54,6	19,6	22,7	3,1

Навбатдаги савол орқали рашк ҳиссининг кўпроқ қайси тоифа оилаларда намоён бўлиши масаласини аниқлашни мақсад қилдик.

Оила макони турли оимилларга кўра, анчагина фарқларга бўлинади. Оиланинг турлари ижтимоий – психологик оимилларини аниқлаш, уларнинг муаммоларини билиш, оиласда бўлиб туради ҳар хил кўнгилсизликларнинг бартараф этишга ёрдам беради. Оила маскани уни характерловчи турли мезонларга кўра бир қатор тоифаларга фарқланади [3].

Саволномага 4 хил тоифадаги оилаларни киритдик. Илмий ишимизда кўп буғунли оилалар, фарзанди бор, фарзанди йўқ оилалар, катта оилалар бобо ва бувилар билан яшайдиган оилалар бу тоифадаги оилалрни ра什 ҳисларин қайси тадқиқот ишимизда анъанавий кўринишдаги ушбу тоифадаги оилаларда рашк ҳиссининг қайси тоифа оилаларда намоён бўлишини ўргандик. Натижалар 5-жадвалда ва 2-расмларда келтирилган.



2-расм. Эркак-йигитларнинг ра什к ҳисси қандай оилаларда намоён бўлишига оид фикрлари, % да

Эркак-йигитлар респондентлари гурухининг 62,5 % и нуклеар, яъни кичик оилаларда ра什к ҳисси юзага келиши эҳтимоли юқори эканлигини қайд этишган. Кейинги ўринда кўп поғонали (катта) оилалар белгиланган бўлиб, респондентларнинг 17,9 % и; бефарзанд оилаларда – 14,3 % и ва ҳатто серфарзанд оилаларда (5,4 %) ҳам ра什к ҳисси юзага келишидаги ўрни кўрсатилганлигини кузатдик. Бу натижалар оила психологиясига оид бир қатор сабаблар ва оимиллар таъсири мавжуд эканлигини тасдиқлади. Биламизки, нуклеар оилада оила аъзолари сони чекланган бўлади. Бу оиласда эр-хотинларнинг ўзлари ва фарзандлари яшашади. Уларда муносабатларнинг тифизлиги, ижтимоий назорат борасида ўз қарорлари ва фикрларини танқидларсиз ўзлари қабул қилишлари, кўпгина масалаларда хатоликларни юзага келиши эҳтимолини ошишига олиб келади. Ўзаро муносабатлар ва фарзанд тарбияси масалаларида тажрибалари кам эканлиги бу оилаларнинг заиф томони хисобланади. Шунга кўра, уларни ра什к қилишаётган пайтда уларни тўғри йўлга соладиган катталар бирга яшамасликлари каби оимил ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун оиласда катта кишиларнинг бўлиши оиладаги ўзаро муносабатларга таъсир этади. Агар

оилада ёши катталар бирга яшамаса, уларни назорат қиласиган, түгри йўлга соладиган шахсларнинг йўқлиги туфайли андиша қиласлик, рашкнинг авж олиши каби салбий муносабатлар намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Abdusamatov, H. (2022). PSYCHOLOGICAL SCIENCES. *CUTTING EDGE-SCIENCE*.
2. Abdusamatov, H. (2022). SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL PROBLEMS OF CHILDREN OF MIGRANT FAMILIES.
3. Rubin Z., Peplau L.A., Hill Ch.T. Loving and leaving: Sex differences in romantic attachments // J. of marriage a. the family. Minneapolis, 1980. Vol. 42. -№ 4. - P.409-418.
4. Абдусаматов, Х. (2022). ИСЛОМ ДИНИДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР БУЗИЛИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИНИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 327-329.
5. Шапиро, А.З. Психолого-гуманистические проблемы позитивности-негативности внутрисемейных отношений // Вопросы психологии. 1994. - № 4. - С.45-56.
6. Шоумаров Ф.Б., Шоумаров Ш.Б. Мұхаббат ва оила. Т., 1994. 120 6.